

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил 12 январь куни, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, суд раиси Д.Дадаханованинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Орзиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурори ёрдамчиси Ш.Йўлчиева, гумонланувчи С.Муроджонов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган “AL-RAMUS NI MOYA” адвокатлик фирмаси адвокати Д.Мирсагатова, жабрланувчи Р.Абдуназарованинг иштирокида,

Муроджонов Садафбек Улуғбек ўғли
(MURODJONOV SADAFBEK ULUG'BEK O'G'LI),
1997 йил 08 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри Сергели тумани Қўйлик 6-дахаси, 11-уй, 69-хонадонда доимий рўйхатда турувчи,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланганга оид 1-1006-2003/14-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, С.Муроджонов 2023 йил 28 ноябрь куни, соат 10:30ларда ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 01|Z5020В бўлган “EPICA” русумли автомобилида Тошкент шаҳар Бектемир тумани ТХАЙ кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, ушбу кўчада жойлашган “Food city” савдо маркази қаршисига етган вақтида, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 11-банди “г” қисми, 109-банди ва 110-банди, яъни «Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак», «Ҳаракатланиш жараёнида, айниқса болалар, ногиронлар, қариялар ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши», «Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт» ва «Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан



сўнгигина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин», деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, шу ерда жойлашган тартибга солинган пиёдалар ўтиш йўлкасини кесиб ўтаётган Р.Абдуназаровани уриб юборган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 1 декабрдаги 9070-Ҳ-Раж сонли хулосасига кўра пиёда Р.Х.Абдуназарованинг “ўртача оғир” тан жарохати олганлиги маълум бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими терговчиси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, С.Муроджонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи тариқасида жалб қилинган ва томонлар ярашганлиги муносабати жиноят ишини судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Гумонланувчи С.Муроджонов суд мажлисида ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи Р.Абдуназарова билан ўзаро ярашиб, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда жабрланувчи Р.Абдуназарова билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлигини билдириб, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Р.Абдуназарова суд мажлисида гумонланувчи С.Муроджоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзишганини, уларга бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганини, гумонланувчи С.Муроджонов билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, С.Муроджоновга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Р.Абдуназарова ва гумонланувчи С.Муроджоновларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурори ёрдамчиси Ш.Йўлчиева, гумонланувчи С.Муроджоновнинг адвокати Д.Мирсагатованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи С.Муроджоновнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган



зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, С.Муроджоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Р.Абдуназаровага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланган **Муроджонов Садафбек Улуғбек ўғли** (MURODJONOV SADAFBEK ULUG'BEK O'G'LI)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Р.Абдуназаровага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, гумонланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Тошкент шаҳар суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/ИМЗО/

Д.Дадаханова

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

